



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 16 ноябрь, № 245 (8025)

Сешанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДАСТУРЛАР ИЖРОСИНИ МАҲАЛЛАЛАРДА АМАЛГА ОШИРИШ ВАЗИФА ҚИЛИБ ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 ноябрь куни аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Бугун иқтисодий ҳаётда барча саъй-ҳаракатлар аҳоли учун даромад манбаи яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган. Бу жуда кенг қамровли вазифа бўлиб, ижтимоий нафақа ёки уй бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди. Бу иқтисодий инфратузилма билан бирга инвестиция йўналтириш, энергия таъминоти яхшилаш, таълимни ривожлантириш каби комплекс чораларни талаб этади.

Шавкат Мирзиёевнинг сайловоти учрашувларида жойлардаги эҳтиёж ва аҳоли талабидан келиб чиқиб, ҳудудий дастурлар белгиланган эди. Улар учун келгуси йилда қарийб 75 триллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Эндиги муҳим вазифа бу дастурларни маҳаллага ташириб, ижросини таъминлашдир.

Йиғилишда шу борадаги чора-тадбирлар муҳокама қилинди. Хусусан, келгуси йилда оилавий тадбиркорлик дастурлари, ишсиз аҳоли ва ёшларни касб-хунарга ўқитиш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 13 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

— Янги Ўзбекистон дегани, аввало, янгича ишлаш керак дегани. Айниқса, ҳокимлар ўзгариши керак. Ҳамма саъй-ҳаракатлар, ажратилаётган маблағлар маҳаллада ўз ифодасини топмас, натижа бўлмайди. Бунда иш ўринлари яратиш ва камбағалликни қисқартириш — асосий мезон, — деди давлатимиз раҳбари.

Бандликни таъминлашда энг катта соҳалардан бири — қишлоқ хўжалиги. Келгуси йилда пахта ва ғалладан бўшайдиган 80 минг гектар майдон аҳолига ажратилиши белгиланган. Мева-сабзавотчилик кластерларига 2 триллион сўм, шу соҳадаги лойиҳаларга 100 миллион доллар, томорқаларда маҳсулот етиштириш учун яна 100 миллион доллар йўналтирилади. Аҳоли томорқасида

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 24 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 30 сентябрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

ТРАНСПОРТ ИНШООТЛАРИ ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 ноябрь куни Тошкент шаҳрининг транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимиз тараққий этгани сари шаҳарлар ҳар томонлама ўсиб бормоқда. Пойтахтимизда ҳам замон талабларидан келиб чиқиб, янги йўл ва кўприклар қуришмоқда, транспорт йўналишлари кенгайтирилмоқда.

Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида янги метро йўналишлари қурилиб, аҳоли учун катта қулайликлар яратилди. Тошкент метрополитени янада ривожлантириш мақсадида "Буюк Ипак йўли" бекатидан Тошкент

трактор заводи даҳасигача ер ости йўли ҳамда ер усти халқа метросининг иккинчи босқичини амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Тақдимотда шу борадаги лойиҳа таклифлари кўриб чиқилди. Масалан, янги ер ости йўлини Мирзо Улугбек кўчаси ёки Буюк Ипак йўли кўчаси орқали олиб ўтиш устида ишланмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, биринчи ҳолатда йўл узунлиги 8,6 километр, кунлик йўловчилар сони 62 минг бўлади. Иккинчи вариантда эса масофа салкам 8 километр бўлиб, кунига 55 минг кишига хизмат кўрсатилиши мумкин. Қурилиш ишлари беш йилга мўлжалланган.

Ер усти метросининг иккинчи босқичи ҳам муҳим лойиҳа. Унга кўра, Қўйлик даҳасидан Сергели йўлининг 5-бекатигача 11 километрдан зиёд эстакада қурилади. Бекатлар сони еттита бўлиши, кунига 38 минг йўловчи ташилиши кутимлоқда.

Ислом Қаримов номидаги Тошкент халқаро аэропортига олиб боровчи йўлўтказгичи кенгайтирилиб, ёнида халқа шаклида айланма кўприк қуриш кўзда тутилган.

Тақдимотда ушбу лойиҳаларнинг техник-иқтисодий масалалари муҳокама қилиниб, давлатимиз раҳбари лойиҳаларни қулайлик, хавфсизлик ва сифат жиҳатидан такомиллаштириш бўйича тавсиялар берди.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ўшб турган ер участкаси — бинолар ва иншоотлар жойлашмаган, ҳеч қандай мажбуриятлар ёки тақиқлар ўрнатилмаган ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга қонунчиликка мувофиқ ажратиб берилмаган, давлат мулки бўлган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаси;

давлат кўчмас мулк объектлари — давлат мулки бўлган мулк (корхоналар), бинолар ва иншоотлар, қурилиш тугалланган объектлар;

ер участкасини хусусийлаштириш — давлат мулки бўлган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ва (ёки) юридик шахсларининг мулкига ўтказиш;

электрон онлайн-аукцион — аукцион шаклидаги электрон савдоларни ўтказиш усули бўлиб, бунда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги иxtисослаштирилган электрон савдо майдончасида аукциондан потенциал харидорларнинг тенг равишда фойдаланиши асосида реализация қилинади;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаси (бундан бундан матнда ер участкаси деб юритилади) — қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилмаган ёки ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ер участкаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА ЭРКИН РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш, ғаллани керакли бўлган ҳажмидан ташқари давлат харидларидан тўлиқ воз кечиш ҳисобига инвестициявий жозибadorликни ошириш, ғалла донини биржа савдоларида чекловларсиз сотишга имкон яратиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликчлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ғалла етиштириш ва сотишдаги инвестициявий жозибadorликни оширишга қаратилган қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

ички бозорни ғалла дони билан кафолатли таъминлаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб республика ҳудудида экишга тавсия этилган буғдой навларини **хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ер-сув шароитларидан келиб чиққан ҳолда мустақил жойлаштириш;**

2022 — 2024 йилларда ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари етиштирган **ҳосилнинг ғалла экилган ҳар гектар сугориладиган майдон ҳисобидан республика бўйича ўртача 2,5 тоннадан буғдойни эркин биржа савдолари орқали, қолган қисмини тўғридан-тўғри шартномалар асосида эркин сотиш;**

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) **кредит ресурслари ҳисобидан ғалла етиштириш харажатларини қоплаш учун имтиёзли кредитларни** ғалла етиштирувчи фермер хўжаликчлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурдаги элита уруғчилик хўжаликчлари ва ғаллачилик кластерларига ажратиш;

ғалла етиштирувчи фермер хўжаликчлари, уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликчлари ва ғаллачилик кластерларига **кредит маблағларидан эркин фойдаланиш, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёнилги-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги техникаларини тўғридан-тўғри харид қилиш ҳуқуқини бериш.**

2. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликчлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишган ҳолда **календар йилнинг 1 августига қадар буғдойнинг келгуси йил ҳосили учун кутилаётган индикатив нархи оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинишини таъминласин.**

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ТУРК ТИЛИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИТДИ



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 11-12 ноябрь кунлари Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг саккизинчи саммитида иштирок этди. Халқаро тадбирда савдо, сармоя, "яшил иқтисодиёт", рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникация, таълим ва маданият соҳаларида кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари анжуманда нутқ сўзлаб, ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ва ташкилотни мустақамлашга қаратилган ташаббусларни илгари сурди. Мазкур амалий таклифлар хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари вакиллари томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

ТУРК ДУНЁСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИЙ ТАКЛИФ ВА ЭЗГУ ФОЯЛАРГА БОШ БЎЛМОҚДА

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатдаги асосий мақсади нималардан иборат? Мамлакатнинг мақсад ва принципларини амалга оширишда қайси платформалар муҳим аҳамият касб этмоқда? Бугун юртимизнинг дўст ва хайрихоҳлари кимлар? Бизни яқин келажақда халқаро ҳамкорлик муносабатларида яна қандай янгиланишлар кутмоқда?

Муносабат

Президентимизнинг Туркий Кенгаши саммитидаги иштирокчилари билан суҳбат, шу каби

қўллаб-қувватловчи жавоabi ойдиллашади.

Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари натижасида сўнгги беш йилда қўшни

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма биринчи ялпи мажлисини 2021 йил 18 ноябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцадоқ тарзда ўтказилган ялпи мажлисида бир қатор масалалар муҳокама қилинади. Жумладан, "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни, "Гидрометеорология фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кўриб чиқилади.

"Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимча-

лар киритиш ҳақида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонунлар ҳам муҳокама қилинади.

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ҲУҚУҚИЙ БЎШЛИҚЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНАДИ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Фракцияда

Унда "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 378-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми 2, 3-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида

←(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

7-модда. Ҳақ тўлаш принципи

Ер участкаларини хусусийлаштириш пулли асосда амалга оширилади.

8-модда. Хусусийлаштириладиган ер участкаларининг ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектларининг яхлитлиги принципи

Ер участкаларини ва уларда жойлашган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

9-модда. Очқиклик ва шаффофлик принципи

Ер участкаларини хусусийлаштириш жараёни очиқ ва шаффоф бўлиши керак.

Давлат органлари ва ташкилотлари ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги ахборотдан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган усуллар орқали эркин фойдаланилишини таъминлаши шарт.

10-модда. Хусусийлаштириш объеклари

Хусусийлаштириш объекллари куйидагилардан иборат:
юрidik шахсларга тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкалари;
Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш, шунингдек тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкалари;
хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк объекллари жойлашган ер участкалари;
бўш турган ер участкалари.

11-модда. Ер участкаларини хусусийлаштиришга доир шахарсозлик талаблари

Ер участкаларини хусусийлаштириш аҳоли пунктларининг бош режаларига, аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларига ёки худудларни комплекс ривожлантириш ва режалаштириш бўйича бошқа ҳужжатларга ёҳуд ер участкаларидан фойдаланишнинг рухсат берилган турларига мувофиқ амалга оширилади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ушбу Қонун кучга киргунига қадар вужудга келган доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёҳуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида хусусийлаштириш субъектларига тегишли бўлган ер участкалари, шунингдек хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк объекллари жойлашган ер участкалари, мазкур ер участкаларидан фойдаланишнинг асосий мақсадини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган шахарсозлик ҳужжатлари тасдиқлангунига қадар сақлаб қолиш шарти билан хусусийлаштирилиши мумкин.

12-модда. Хусусийлаштирилмайдиган ер участкалари

Куйидаги ер участкалари хусусийлаштирилмайди:
фойдали қазилма конлари, қонунчиликка мувофиқ хусусийлаштирилмайдиган давлат мулки объекллари жойлашган ер участкалари;

табиати муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар таркибига кирувчи ер участкалари, шунингдек ўрмон ҳамда сув фондларининг, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектларининг муҳофаза зоналари, шахрлар ва шахарчаларнинг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, скверлар, хиёбонлар, истроҳат боғлари);

хавфли моддалар билан зарарланган ва биоген захарланишга дучор бўлган ер участкалари;

махсус иқтисодий зона фаолият кўрсатадиган даврда қонунчиликда белгиланган тартибда махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига тақдим этилган;

маъмурий кенгаши томонидан берилган ер участкалари (бундан махсус иқтисодий зоналар тугатилгандан кейин ер участкаларининг махсус иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан хусусийлаштирилиши ҳоллари мустасно);

қўп квартирالي уйлар жойлашган, шунингдек қўп квартирالي уйларга туташ ер участкалари;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, ијтимоий шериклик тўғрисидаги келишувлар ва шартномаларни амалга ошириш учун берилган, шунингдек юридик шахсларга давлат ва жамият эҳтиёжлари учун берилган ер участкалари.

Ер участкаларини хусусийлаштиришда фуқаролик қонунчилигида назарда тутилган тартибда ўзанинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи белгиланиши мумкин.

13-модда. Хусусийлаштириш субъектлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари хусусийлаштириш субъектларидир.

Чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, шунингдек давлат органлари, муассасалари ва корхоналари хусусийлаштириш субъектлари бўлмайди.

14-модда. Ер участкаларини хусусийлаштириш шакллари

Ер участкаларини хусусийлаштириш куйидаги шаклларда амалга оширилади:

хусусийлаштириш субъектлари томонидан ўзига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёҳуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини сотиб олиш;

ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали сотиб олиш.

15-модда. Ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларни йўналтириш

Ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар рўйҳати ва микдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган харажатлар чегириб ташланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига йўналтирилади.

2-боб. Ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида давлат бошқаруви

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида ягона давлат сиеёсатини амалга оширади;

аҳоли пунктларини ва худудларни режалаштириш ҳамда ривожлантириш тўғрисидаги шахарсозлик ҳужжатларининг ишлаб чиқилишини, тасдиқланиши ва эълон қилинишини ташкил этади;

ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали хусусийлаштириш тартибини белгилайди;
хусусийлаштириладиган ер участкалари сотиб олиш қиймати микдорини, шунингдек уни тўлаш тартибини белгилайди;
ер участкаларидан рухсат этилган фойдаланиш турлари классификаторини тасдиқлайди;

Ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий регламентни тасдиқлайди.

17-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:
хусусийлаштириш мақсадида бўш турган ер участкаларининг аниқланиши ва электрон-онлайн аукционга қўйилишини таъминлайди;

ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан худудларни ривожлантириш учун мақсадли равишда фойдаланилишини таъминлайди;
электрон онлайн-аукционга қўйилаётган бўш турган ер участкалари тўғрисидаги ахборотни ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги:
кейинчалик электрон онлайн-аукцион орқали хусусийлаштириш учун бўш турган ер участкаларини аниқлайди;
ер участкаларининг хариталарини тузади;
хусусийлаштириладиган ер участкаларининг maidони ва чегараларини белгилайди;
хусусийлаштирилиши лозим бўлган бўш турган ер участкалари бўйича материаллар тайёрлайди;
ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг давлат рўйҳатига олинишини амалга оширади.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги:
хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк объектларининг аниқланишини ва уларнинг мазкур объектлар жойлашган ер участкалари билан бирга электрон онлайн-аукционга қўйилишини;
ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи учун давлат ордери берилишини ва тегишли реестр юртилишини;
савдолар ташкилотчиси орқали ер участкаларини хусусийлаштиририш очик ва шаффоф механизмини;
Интернет жаҳон ахборот тармоғида ихтисослаштирилган электрон савдо майдончасининг фаолият кўрсатишини ва электрон онлайн-аукционлар ўтказилишини ташкил этишни таъминлайди.

20-модда. Давлат органларининг ҳамкорлиги

Давлат органлари ер участкаларини хусусийлаштириш масалаларига тааллуқли қисм бўйича ахборот алмашиш ва маълумотлар базаларидан зарурий фойдаланиш имкониятини бериш орқали ҳамкорликни амалга оширади.

3-боб. Хусусийлаштириш субъектларига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёҳуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш

21-модда. Ер участкаларини хусусийлаштиришга доир аризани бериш ва кўриб чиқиш тартиби

Ер участкаларини хусусийлаштиришга доир ариза (бундан буён матнда ариза деб юритилади):

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси томонидан – тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ўзига берилган ва доимий фойдаланиш (эгалик қилиш) ёки ижара ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган ер участкаларига нисбатан;

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси томонидан – якка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш, шунингдек тадбиркорлик ҳамда шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ўзига берилган ва мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган ер участкаларига нисбатан берилади.

Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара ҳуқуқи тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахсларига ўтганда уларга мазкур ер участкасини хусусийлаштиришга бўлган ҳуқуқ ҳам ўтади.

Агар ер участкаси бир нечта хусусийлаштириш субъектининг биргаликдаги эгаллигида ёки фойдаланишида бўлса, ариза барча субъектларнинг фуқаролик қонунчилигига мувофиқ тузиладиган келишувига кўра, бундай келишувга эришилмаган тақдирда суд томонидан белгиланадиган тартибда берилади.

Ариза давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилади.

Аризага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйҳати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ариза ер участкасини хусусийлаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун асос бўлади.

Аризани кўриб чиқиш Ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатишга доир маъмурий регламента мувофиқ автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Аризани кўриб чиқиш натижаси ижобий ёки салбий қарорни ўз ичига олиши мумкин бўлган хабарномадан иборат бўлади.
Ижобий қарор мавжуд бўлган хабарнома хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қийматини аризачи томонидан тўлаш учун асосдир.

Салбий қарор мавжуд бўлган хабарномада ер участкасини хусусийлаштириш мумкин эмаслигининг асослантирилган сабаблари шахарсозлик ҳужжатларининг аниқ талабларига

ёки қонунчилик нормаларига ҳавола қилинган ҳолда кўрсатилади.

Аризани кўриб чиқиш натижалари устидан суд тартибда шжкоят қилиниши мумкин.

22-модда. Хусусийлаштириладиган ер участкасининг maidони ва чегараларини аниқлаш

Хусусийлаштириш субъектларига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёки мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар давлат реестрида кўрсатилган maidон ва чегаралар доирасида амалга оширилади.
Мазкур ер участкаларини хусусийлаштиришда уларнинг maidони ва чегараларига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

23-модда. Ер участкаларини хусусийлаштиришни рад этиш учун асослар

Ер участкаларини хусусийлаштиришни рад этиш учун асослар куйидагилардан иборат:
ер участкаларини хусусийлаштириш учун ушбу Қонунда назарда тутилган асосларнинг мавжуд эмаслиги;
хусусийлаштириладиган ер участкасига нисбатан тугалланмаган суд ишларининг мавжудлиги;
хусусийлаштириладиган ер участкаларига жойлашган кўчмас мулк объектларига нисбатан қўйилган таққининг ёки белгиланган хатловнинг мавжудлиги;
аҳоли пунктларининг тасдиқланган бош режаларида, аҳоли пункти қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларида, худудларни комплекс ривожлантириш ва куришга доир бошқа ҳужжатларда ёки ер участкасидан фойдаланишнинг рухсат берилган турларида ер участкаларини хусусийлаштиришга бевосита монелик қиладиган маълумотларнинг мавжудлиги;
давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб кўйиш тўғрисида ариза топширилгунига қадар қабул қилинган Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мавжудлиги;
хусусийлаштириладиган ер участкасини сотишга ёки бошқача тарзда ўзга шахсга ўтказишга нисбатан таққиқнинг мавжудлиги;
аризада нотўғри, бир-бирига зид бўлган ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар аниқланганлиги;
хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қийматини тўлаш ушбу Қонунда белгиланган муддатда амалга оширилмаганлиги ёки тўлиқ амалга оширилмаганлиги.
Ер участкаларини хусусийлаштиришни бошқа сабабларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

Ер участкаларини хусусийлаштиришни рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилган сабаблар бартараф этилган тақдирда, рад жавоби олинган кундан эътиборан бир ой ичيدا аризачи давлат хизматлари кўрсатилиши учун йғимни тўламасдан қайта ариза бериш ҳуқуқига эга бўлади.

24-модда. Хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қийматини аниқлаш ва тўлаш

Хусусийлаштириш субъектига доимий фойдаланиш (эгалик қилиш), ижара ёҳуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қиймати юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган, тегишли ерлар учун хусусийлаштириш пайтида белгиланган ер солиғи базавий ставкасининг қаррали микдорларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қийматини белгилашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ер участкаларининг, шунингдек хусусийлаштириш субъектларининг айрим тоифаларига, шу жумладан ер солигини тўлашдан овоз қилинган шахсларга нисбатан табақалаштирилган коэффциентларни белгилашга ҳақли.

Хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қийматини тўлаш ижобий қарорга эга бўлган хабарнома олинганидан кейин ўн иш куни ичيدا аризачи томонидан амалга оширилади.

4-боб. Ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали хусусийлаштириш

25-модда. Бўш турган ер участкаларини хусусийлаштириш

Бўш турган ер участкалари аҳоли пунктларининг бош режаларига, аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларига, худудларни комплекс ривожлантириш ва куришга доир бошқа ҳужжатларга, ер участкаларидан фойдаланишнинг рухсат берилган турларига мувофиқ аниқланади.

Бўш турган ер участкалари электрон онлайн-аукцион орқали хусусийлаштирилади.

26-модда. Давлат кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкаларини хусусийлаштириш

Хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкалари тасдиқланган хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан аниқланади.

Хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкалари ягона мулкий мажмуа сифатида электрон онлайн-аукционга қўйилади.

27-модда. Ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича электрон онлайн-аукционда иштирок этишга доир буюртма

Ер участкаларини хусусийлаштириш бўйича электрон онлайн-аукционда иштирок этишга доир буюртма:
тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахслари томонидан;

якка тартибда уй-жой куриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан берилади.

28-модда. Хусусийлаштириладиган ер участкасининг қиймати

Хусусийлаштириладиган ер участкасининг қиймати ўтказилган электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра белгиланади.

Электрон онлайн-аукционга қўйиладиган ер участкасининг бошланғич нархи унинг электрон онлайн-

аукционга қўйилиш пайтидаги бозор қийматидан келиб чиқиб белгиланади.

Хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкасининг бошланғич нархи мазкур объектнинг ягона мулкий мажмуа сифатидаги қийматидан келиб чиқиб белгиланади.

Закалат микдори ва қадам нархи бошланғич нархдан фоизларда ва пулда ифодаланган тарзда белгиланади.

5-боб. Хусусийлаштирилган ер участкаларининг ҳуқуқий мақоми

29-модда. Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи учун давлат ордери

Ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи учун давлат ордери ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат бўлиб, у хусусийлаштириладиган ер участкасининг қийматини тўлаш тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилганидан кейин бир иш куни ичيدا Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан берилади.

Ер участкаси унда жойлашган давлат кўчмас мулк объекти билан бир вақтда хусусийлаштирилган тақдирда, ер участкасига ва кўчмас мулк объектига бўлган мулк ҳуқуқи учун ягона давлат ордери расмийлаштирилади.
Давлат ордерлари берилганлиги учун давлат божи ундирилмайди.

30-модда. Хусусийлаштирилган ер участкасига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи

Хусусийлаштирилган ер участкалари хусусий мулк ва фуқаролик муомаласи объектларидир.

Хусусийлаштирилган ер участкасига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи унга бўлган ҳуқуқ Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига тегишли маълумотларни электрон тарзда киритиш орқали давлат рўйҳатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юзага келади.

Хусусийлаштирилган ер участкаларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва қонунга мувофиқ давлат томонидан ҳимоя қилинади.

31-модда. Хусусийлаштирилган ер участкалари мулкдорларининг ҳуқуқлари

Хусусийлаштирилган ер участкаларининг мулкдорлари куйидаги ҳуқуқларга эга:
хусусийлаштирилган ер участкасига юридик ва жисмоний шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган ҳолда, ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб эркин эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шу жумладан ундан гаров предмети сифатида фойдаланиш, юридик шахснинг устав капиталига (устав фондига) ҳисса сифатида киритиш, ижарага бериш;
хусусийлаштирилган ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқининг ҳар қандай бузиллишлари бартараф этилишини талаб қилиш;
хусусийлаштирилган ер участкасида мустақил равишда ҳўжалик юритиш;

уй-жой, ишлаб чиқариш, маданий-маиший иморатлар ва иншоотларни ҳамда бошқа иморатлар ва иншоотларни куриш, уларни қайта куриш ва бузишни амалга ошириш.

32-модда. Хусусийлаштирилган ер участкалари мулкдорларининг мажбуриятлари

Хусусийлаштирилган ер участкаларининг мулкдорлари:
ер участкасидан фойдаланишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши;
бошқа ер участкаларининг мулкдорларига етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган тартибда қоплаши шарт.

33-модда. Хусусийлаштириш субъектлари бўлмаган шахсларда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиши

Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эллик юридик шахслар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, агар қонунда бошқа нарса назарда тутилмаган бўлса, хусусийлаштирилган ер участкаларини олиш ҳуқуқига эга эмас.

Агар чет эл фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс, чет эллик юридик шахс, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонада ер участкаларига мулк ҳуқуқи вужудга келса, ушбу ер участкалари бундай ҳолат юз берган пайтдан эътиборан олти ой ичيدا бегоналаштирилиши лозим.

Агар ер участкалари ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган муддатда бегоналаштирилмаса, ушбу моддада кўрсатилган ҳўсларда уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ижарага олишда устун ҳуқуқ сақлаб қолинган ҳолда ер участкалари давлат мулкига ўтказилади.

34-модда. Хусусийлаштирилган ер участкасини мулкдордан олиб кўйиш

Хусусийлаштирилган ер участкасини мулкдордан олиб кўйишга куйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Хусусийлаштирилган ер участкасини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун сотиб олишга фақат:

мудофаа ва давлат ҳавфсизлиги, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг эҳтиёжлари, махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун ерлар бериш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш; фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб олиш; автомобиль ва темир йўллارни, аэропортларни, аэродромларни, аэронавигация объектларини ва авиатехника марказларини, темир йўл транспорти объектларини, шуниқдек метрополитенлар, тоннелларни, энергетика тизимлари объектларини ва электр узатиш тармоқларини, алоқа тармоқларини, космик фаолият объектларини, магистрал қувурларни, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);

аҳоли пунктлари бош режаларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектларни қуришга оид қисмини бажариш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйилади.

Хусусийлаштирилган ер участкаларини давлат ва жамият эҳтиёжлари учун сотиб олиш фақат ер участкалари мулкдорлари билан сотиб олишнинг шартнома нархи ва сотиб олиш шартлари очик муҳокама қилинганидан кейин, шунингдек Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан бирмоҳий ва юридик шахсларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма билан мажбурий равишда келишилганидан кейин амалга оширилади.

Хусусийлаштирилган ер участкасининг сотиб олиш қийматини тўлаш ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи давлатга ўтказиладиган пайтга қадар тўлиқ ҳажмда амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда хусусийлаштирилган ер участкасининг мулкдори ўртасидаги

ер участкасининг олди-сотди шартномасини тузиш бўйича келишмовчиликлар суд тартибида ҳал этилади.

37-модда. Хусусийлаштирилган ер участкасини реквизиция қилиш

Хусусийлаштирилган ер участкаси табиий офатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ҳолларида ва фавуқлодда хусусиятга эга бўлган бошқа ҳолатларда унинг мулкдоридан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ олиб қўйилиши (реквизиция қилиниши) мумкин, бунда хусусийлаштирилган ер участкасининг мулкдорига етказилган зарарларнинг ўрни қопланиб, унга реквизиция тўғрисида ҳужжат берилади.

Хусусийлаштирилган ер участкасини реквизиция қилиш фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини фавуқлодда ҳолатлар муносабати билан юзага келадиган таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади.

Реквизиция амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган ҳолатларнинг амал қилиши тугагач, реквизиция қилинган ер участкасининг собиқ мулкдори сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Реквизиция қилинган ер участкасини унинг мулкдорига қайтариб беришнинг имкони бўлмаган тақдирда, ушбу ер участкасининг бозор қиймати ўрни қопланади ёки унинг ҳолатига кўра тенг қийматдаги бошқа ер участкаси мулк қилиб берилади.

Ушбу модданин биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар юзага келган тақдирда, ер участкасини реквизиция қилиш зарурати мавжуд бўлмаганда ер участкаси ушбу ҳолатларнинг амал қилиш даврида вақтинча фойдаланиш учун эгаллиниши мумкин ва ер участкасининг мулкдорига унинг ҳуқуқлари вақтинча чекланганлиги муносабати билан етказилган зарарларнинг ўрни қопланади.

Реквизиция қилинган ер участкасининг бозор қиймати ўрни ер участкаси мулкдорига қайси баҳолашга мувофиқ қопланган бўлса, ўша баҳолаш, ер участкасини реквизиция қилиш ёки ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқларини вақтинча чеклаш муносабати билан етказилган зарарлар юзасидан мулкдор томонидан суд тартибида низолаштирилиши мумкин.

38-модда. Хусусийлаштирилган ер участкасини мусодара қилиш

Хусусийлаштирилган ер участкаси жиноят-процессуал қончилиқда назарда тутилган ҳолларда мулкдордан суд қарори асосида олиб қўйилиши (мусодара қилиниши) мумкин.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

39-модда. Низоларни ҳал этиш

Ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида юзага келадиган низолар қончилиқда белгиланган тартибда ҳал этилади.

40-модда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қончилиқни бузганлик учун жавобгарлик

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисидаги қончилиқни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

41-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 августда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги УРҚ–552-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2019 йил, № 8, 463-модда);
- 2) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **272-моддаси**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҒАЛЛА ЕТИШТИРИШ ВА СОТИШДА ЭРКИН РАҚОБАТНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТўҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси **2022 йил 1 январга қадар Жамғарма томонидан ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун биржа савдоларидан бугдой сотиб олиш ва уни биржада сотиш тартибини ишлаб чиқиш**, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

Жамғарма номидан биржа савдоларида бугдой сотиб олувчи тижорат вакили белгилаш ва танлаб олишнинг аниқ ва шаффоф мезонлари;

тижорат вакили танловда “Ўздонмахсулот” АК тизими корхоналари билан бир қаторда **ҳудудларда донни қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланаётган бошқа тадбиркорлик субъектларига** тенг шароит яратилиши; **тижорат вакили** Жамғарма номидан харид қилинган **бугдой учун ўзининг бутун мол-мулки билан жавобгар эканлиги**;

тижорат вакили Жамғарма топширигига асосан Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизимида ер участкаларига бўлган ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтган галлчилик кластерлари ва фермерлардан **биржа орқали бугдой сотиб олиши**;

тижорат вакилининг бугдойни харид қилиш, сақлаш, табиий камайиш, ортиш, ташшиш ва давлат захирасини янгилаш бўйича **ҳаражатларини қоплаб бериш**;

ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш учун харид қилинган бугдойнинг Жамғарма томонидан биржа савдоларига чиқарилиши;

нархларни сақлаб туриш мақсадида бугдойни сотишдан олинган ижобий ва салбий фарқларни қоплаш тартиби кўзда тутилсин.

4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси **календар йилнинг:**

1 апрелига қадар эркин биржа савдоларига қўйиладиган бугдойнинг фермерлар, кластерлар ва туманлар кесимидаги

тақсимотини ҳамда бугдойни сақлашга мос ёпиқ сизимларга эга дон қабул қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

1 августга қадар етиштирилган бугдой миқдори ва ички бозорда бугдойга бўлган талабдан келиб чиқиб, зарур ҳолларда тендер савдолари орқали қўшимча бугдой харид қилиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиб бурсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимларининг календар йилнинг май — август ойларида мулкчилик шаклидан қатъи назар, сугориладиган майдонларда ғалла етиштирувчи барча субъектлар томонидан ғалла экилган **ҳар гектар майдон ҳисобига республика бўйича ўртача 2,5 тоннадан галланин биржа савдоларига чиқарилишини таъминлаш учун шахсан масъуллиги белгилаб қўйилсин.**

6. Давлат бошқаруви органлари, шу жумладан, барча даражадаги маҳаллий ҳокимликлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг:

а) бошоқли дон етиштиришда агротехник тадбирларни ўтказиш, моддий-техник ресурслар билан таъминлашга; ажратилган имтиёзли кредитлардан фойдаланиш йўналишларига;

бугдойни сотиш жараёнидаги, шу жумладан, шартномалар тузишга, хўжаликларни дон тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи маълум корхоналарга бириктириш, республика ҳудудлари ўртасидаги ички ташуларга;

б) галлчилик кластерлари фаолиятига чорвачилик, паррандчилик, балиқчилик ва бошқа йўналишларни қўшиш тўғрисида **қатъян таққиланади.**

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

2021-2022 йилларда “Ўздонмахсулот” АК тизимидаги дон корхоналарини галлчилик кластери ташкил этиш таклифини билдирган тадбиркорлик субъектларига сотиш учун баҳолаш ва фаолият йўналишини ўзгартирмаслик шартида очик савдоларга қўйиш;

“Ўздонмахсулот” АК тизимидаги дон корхоналарига тегишли 20 та уруғлик дон тайёрлаш цехларини ушбу корхоналарнинг солиқ ва Жамғарма олдидаги қарздорлигини (улار

бўйича ҳисобланган пенялар, шунингдек, объектни ўтказиш натижасида юзага келадиган солиқларни ҳам инobatта олган ҳолда) объектнинг баҳоланган қиймати миқдорига камайитириш ҳисобига Уруғчиликни ривожлантириш марказига бериш ва тўлиқ модернизация қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бунда, қарздорлик мавжуд бўлмаган ҳолларда объектлар “Ўздонмахсулот” АКдаги давлат улуши ва “Ўздонмахсулот” АКнинг дон корхоналаридаги улушини тегишинча камайитириш ҳисобига берилади.

8. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги **“Ўздонмахсулот” АК тизимидаги корхоналар тадбиркорлик субъектларига сотилгандан сўнг, “Ўздонмахсулот” АКни белгиланган тартибда тугатиш** тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргалиқда 2022 йил 1 мартга қадар барча туманлар марказий дехқон бозорларидаги бугдой ва бошқа асосий **қишлоқ хўжалиги махсулотларининг нархларини “on-line” тарзда кузатиш имконини берувчи электрон платформани** ишга туширсин.

10. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **икки ой мuddатда:**

Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргалиқда қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириладиган ерларни, шу жумладан, бошоқли доннинг экилиши, унинг ривожланишини учувчисиз учиш аппаратлари (дронлар) ёрдамида кузатиш ва мониторингини юритиш имконини берувчи электрон платформани ишга туширсин; “Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институти ҳамда унинг ҳудудий бўлимининг томонидан қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларининг вегетатив ҳолатини учувчисиз учиш аппаратлари ёрдамида кузатилишини йўлга қўйсин;

“Ўздаверлойиха” давлат илмий-лойихалаш институтининг “Ер ахборот тизими” порталида қишлоқ хўжалиги экинларининг жойлаштирилиши, шу жумладан, тақрорий ва тўқсонбости усулида етиштирилаётган экинлар тўғрисида маълумот берувчи электрон базани шакллантирсин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги билан биргалиқда бошоқли дон етиштириладиган майдонларда зарарқундалар ва касалликлар

3) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 16 августда қабул қилинган **«Ер участкаларини ажратиш ва улاردан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–708-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2021 йил, № 8, 800-модда) **14-моддаси.**

42-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

43-модда. Қонунчилиқни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

44-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 15 ноябръ № УРҚ—728

тарқалишининг олдини олиш мақсадида тизимли кузатувни ташкил этсин, хўжаликлар томонидан экинларни ҳимоя қилиш ишлари ўз вақтида бажарилишини назоратга олсин.

Фавуқлодда ҳолатларда ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан экинларни ҳимоя қилиш таъминласин. **12.** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларини экинларни жойлаштириш бўйича белгиланган кўрсаткичларнинг хўжаликлар томонидан бажарилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

13. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ҳафта мuddатда **ғалла етиштириш ва сотишда бозор тамойилларини жорий этиш жараёнида амалга ошириладиган ишлар бўйича “Йўл харитаси”**ни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Бошоқли дон етиштириш, сотиш ва бугдой нархининг шаклланиши бўйича **мазкур қарор билан ўрнатилган тартибни** Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ҳужжатлари билан **вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки қайта қўриб чиқиш қатъян ман этилсин.**

15. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда **икки ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин. **16.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, молия вазири Т.А.Ишметов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоят ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини **муҳокама қилиб бориш**, ижро учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 15 ноябръ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Шунингдек, “Оғир ижтимоий аҳолда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари қафолатларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги, “Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар сенаторлар эътибор марказида бўлади.

Ўз навбатида, “Транспорт ва молия соҳаларидаги айрим ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун ҳам кун тартибидан ўрин олган.

Бундан ташқари, ялли мажлисда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларининг бажарилиши

ҳолати ҳақидаги ахборотини эшитиш режа-лаштирилган.

Сенаторлар аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдаги муаммолар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини ҳам тах-лил қилишди.

Шу билан бирга, ҳомилдор ва репродуктив ёшдаги аёллар ҳамда гўдақларга кўрсатилаёт-ган табиий ёрдам ҳолати, шунингдек, енгил саноат ва чарм саноати корхоналарида хотин-қизларнинг меҳнат муносабати билан боғлиқ масалаларда иш берувчиларнинг масъулияти-ни ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига пар-ламент сўровлари юбориш масалалари муҳо-камаси кўзда тутилмоқда.

Ған, таълим ва соғлиқни сақлаш масалала-ри кўмитасининг 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган давридаги фаолияти юзасидан ҳисоботи-ни эшитиш ҳам режа қилинган.

Ялли мажлисда Олий Мажлис Сенати вако-латига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДАГИ ҲУҚУҚИЙ БЎШЛИҚЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНАДИ

Дастлаб Қонунчилик па-латасининг бир гуруҳ депу-татлари ташаббуси билан киритил-ган “Фавуқлодда ҳолат тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Консти-туциявий Қонунининг қабул қилин-ганлиги муносабати билан Ўзбекис-тон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгариш-лар киритиш ҳақида”ги қонун лойи-ҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Конституциявий қонунда давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳоки-мияти органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчи-лик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотларнинг фаолиятига, улар-нинг мансабдор шахслари ҳуқуқ ва эркинликларига алоҳида чекловлар ўрнатиш ҳамда уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юкланадиган алоҳида режим жорий этилиши на-зарда тутилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойи-ҳаси билан айрим қонунларга ўз-гариш ва қўшимчалар киритиш та-клиф этилмоқда. Жумладан, фаву-қлодда ҳолатнинг амал қилиш даври-да фавуқлодда ҳолат жорий этилган ҳудудда маҳаллий давлат ҳокимия-ти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш, нодав-лат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини тўхтатиб туриш тартиб-ларини белгилаш, мулкчилик шакл-ларидан ва ташкилий-ҳуқуқий шакл-ларидан қатъи назар, ташкилотлар-нинг ресурсларини сафарбар этиш, портловчи, радиоактив, шунингдек, кимёвий ва биологик ҳижатдан хавф-ли моддалардан фойдаланадиган хавфли ишлаб чиқаришлар ҳамда ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб туришни назарда тутиш каби бир қатор таклифлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қили-ниши қонун ҳужжатларидаги мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш, қонун ҳужжатларини мувофиқлашти-ришга хизмат қилади.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томони-дан маъқулланди.

Йигилишда, шунингдек, “Алкоголь ва тамаки махсулотларининг тарқа-тилиши ҳамда истеъмол қилиниши-ни чеклаш тўғрисида”ги қонун лойи-ҳаси қизгин тортишувлар асосида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонун алкоголь ва тамаки махсулотларининг тарқа-тилишини ҳамда истеъмол қилини-шини чеклаш соҳасидаги муносабат-ларни тартибга солиш, фуқаролар-нинг, арвало, йигирма бир ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлигини ал-коголь ва тамаки махсулотларини истеъмол қилишининг зарарли таъ-сиридан ҳимоя қилиш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қ

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИТДИ

❖ **Ежи Бриль, "Польша — Шарқ" уюшмаси президенти, профессор:**

— Бугунги кунда Ўзбекистон ўз халқи манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чуқур ўйланган, ҳар томонлама мувозанатли кўп векторли ташқи сиёсат олиб бормоқда. Барча ҳамкор давлатлар ва халқаро тузилмалар билан муносабатлар кенгаймоқда.

2009 йилда тузилган Туркий кенгашининг асосий мақсади туркий тилли давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустахкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт, энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни мустахкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан иборат. Ўзбекистоннинг 2019 йилда ТДХКга тўлақонли аъзо бўлгани мазкур халқаро ташкилот обрўсини юксалтирди ва имкониятларини кенгайтирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуслар Кенгашнинг кўп томонлама ҳамкорлигини янги амалий мазмун билан бойитмоқда. Ўзбекистон раҳбари томонидан ўтган қисқа вақт ичида йигирмадан ортиқ тақлифлар илгари сурилган мамлакатнинг яқин ва узок истиқболда туркий тили шериклар билан ҳамкорликни тўла маъсуляти билан ривожлантириш тарафдори эканидан далolat беради.

Ўзбекистон Туркий кенгашига аъзолиги доирасида бир неча тадбирни юқори даражада ўтказди. Хусусан, 2019 йил октябрь ойида Тошкентда Туркий кенгашига аъзо давлатлар Бизнес кенгаши йиғилиши ва инвестиция форуми ташкил этилди. Хива шаҳри 2020-2021 йилларда "Туркий дунёнинг маданият пойтахти" деб эълон қилинди. Туркий кенгашига аъзо давлатлар ёш тадбиркорларнинг бирин-

чи форуми ҳамда ёшлар ишлари бўйича ва спорт вазирларининг 5-йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбирлар мамлакатнинг ташкилот фаолиятига прагматик ёндашувни намойиш этди.

Ўзбекистоннинг Туркий кенгаш доирасидаги саъй-ҳаракатлари самарасида транспорт ва божона соҳаларидаги жараёнларни рақамлаштириш фаол давом этмоқда.

Ўтган саммитлар давомида Ўзбекистон Президенти томонидан пандемияни бартараф этиш бўйича илгари сурилган тақлифлар бугунги кунда тобора долзарблик касб этиб бормоқда. Ушбу ташаббуслар ижроси доирасида ташкилотга аъзо мамлакатлар тиббиёт муассасалари вакилларидан иборат Мувофиқлаштирувчи қўмита ташкил этилди. Натижада эпидемиология вазиятини биргаликда кузатиш, таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг доимий тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбарияти Кенгаш ҳамкорлари ўртасида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу йўналишдаги ташаббуслар доирасида жорий йил июнь ойида Кўқон шаҳрида туризм вазирларининг 6-йиғилиши ўтказилган, унинг якунида Кўқон шаҳри 2022 йилда "Туркий дунёнинг туризм пойтахти" деб эълон қилинган ҳам аввалкор тақлиф қилинган ташаббусларнинг амалий натижаси бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Туркий кенгашига аъзо давлатларнинг муқаддас қадимликларини бўйлаб "Таборук зиёратгоҳ" лойиҳасини амалга оширишга киришди.

Ишончим комилки, жорий саммитда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган муҳим ташаббуслар ҳам ҳаётда ўз амалий натижасини топади.

Аҳмет Мисбах Демиржан, Туркия маданият ва туризм вазири ўринбосари:

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Истанбулда бўлиб ўтган Туркий кенгаш саммитида илгари сурилган "Туркий дунё маданияти ва санъати ҳафталиги"ни ўтказиш ташаббуси барча туркий тилли давлатларнинг манфаатларига тўла мос келади ва ташкилотга аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватлашига аминман.

Истанбул шаҳрида "Коркут ата" халқаро кинофестивали доирасида Ўзбекис-

тон киноси кунларининг ўтказилгани ва тадбирда ўзбекистонлик санъат усталарининг катта концерт дастури билан иштирок этгани туркиялик муҳлисларда унутилмас таассурот қолдирди.

Туркия маданият ва туризм вазирилиги бундай тадбирларни янада кенгайтириш тарафдори ҳамда маданият ва санъат ҳафталикларини ўтказишда ўз ёрдамини аямайди.

Хари Нараянана, Осиё — Тинч океани технологиялар ва инновациялар университети ректори (Малайзия):

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи билан батафсил танишиб чиқдим. Шунинг таъкидлаши истардимки, ушбу ташкилот замон билан ҳамнафас ривожланмоқда. Ўзбекистон томонидан илгари сурилган тақлифлар ҳар томонлама чуқур ўйланган савдо, сармоя, "яшил иқтисодиёт", рақамли технологиялар, транспорт-коммуникация, шунингдек, таълим ва маданият соҳаларидаги кўп қиррали ҳамкорлик масалаларини қамраб олди.

Ташкилотнинг жорий саммитида Ўзбекистон раҳбари туркий тилли давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг улкан салоҳиятини тўлақонли очиб бериш бўйича ташаббусларни эълон қилди. Савдо тўсиқларини бартараф этиш ва электрон тиҷоратни кенг жорий қилиш, "ақли" шаҳарларни яратиш учун инновациялар жорий этиш, транспорт коридорларини ривожлантириш орқали мамлакатлар

ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтириш бўйича тақлифларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Академик жамоатчилик вакили сифатида Ўзбекистон Президентининг яна бир тақлифи — 2022 йилни туркий дунёда "Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилиш ташаббуси менга жуда маъқул келди. Бу гоёнинг амалга оширилиши ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий лойиҳаларини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади, деган умиддаман.

Ишончим комилки, Ўзбекистон томонидан Туркий кенгаш доирасида илгари сурилган жорий ташаббуслар Евроосиё қитъаси марказидаги кенг маконда ўзаро ишончни мустахкамлаш ва минтақавий ҳамкорликни кенгайтиришга ҳизмат қилади.

Муҳаммад ал-Фили, Кувайт Конституциявий кенгаши аъзоси, профессор:

— Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон ҳар томонлама мувозанатли ва оқил ташқи сиёсат олиб бормоқда. Бу фикрни, хусусан, Ўзбекистон 2019 йилда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг тўлақонли аъзоси бўлиб, ўзининг табиий ҳамкорлари — кўшни давлатлар ва Туркия билан стратегик алоқаларни ривожлантириш тарафдори эканини ифода этгани тасдиқлайди. Мамлакат раҳбариятининг узокни қўзғалган, прагматик ва пухта ўйланган ташқи сиёсати Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва янги қўшничилик қамарини яратишга ҳизмат қиладиган ижобий омиллардан биридир.

Кайд этиш керакки, қисқа вақт ичида Ўзбекистон ушбу муҳим минтақавий ташкилот фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий ташаббуслар ва тақлифларни илгари сурди, Туркий кенгашининг фаол иштирокисига айланди. Марказий Осиёда марказий геостратегик мавқега эга ва минтақанинг энг ривожланган иқтисодиётларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг Туркий кенгашига қўшилгани ушбу тузилманинг халқаро майдондаги обрўсини ошириб, унга аъзо давлатлар ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, транспорт, логистика, маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, улкан минтақادا тинчлик ва хавфсизликни мустахкамлаш бўйича бир-

галикда саъй-ҳаракатларни амалга оширишга ҳизмат қилиши, шубҳасиз.

Истанбул саммитида Ўзбекистон раҳбари ўзаро ҳамкорликни янги амалий мазмун билан тўлдирди борасидаги аниқ ташаббусларга бой нуқт сўзлади. Туркий тилли давлатларнинг савдо ҳамкорлиги бўйича тақлифлар марказини ташкил этиш, транспорт соҳасида ўзаро боғлиқлик дастурини ишлаб чиқиш юзасидан тақлифлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда транспорт ва транзит масалаларини ҳал этишга муҳим ҳисса бўлади.

Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Президенти турли нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг юксак миқдорларидан сўзлаган нутқларида аниқ муҳим муқофазаларни қаратиб келмоқда. Шу муносабат билан унинг Ўзбекистон Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда Туркий мамлакатларнинг атрофи-муҳит муқофазаси бўйича тузилма-нинг тузиш ташаббуси муҳим ва ўз вақтида бўлди, деб ўйлайман.

«Дунё» АА.

ТУРК ДУНЁСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИЙ ТАКЛИФ ВА ЭЗГУ FOЯЛАРГА БОШ БЎЛМОҚДА

Билдирилган тақлиф ва тавсиялар — амалда

❖ Айти пайтда мамлакатимизнинг муқаддас янги — соғлом сиёсий, иқтисодий-ижтимоий муносабатларга очкиллиги юртимизнинг дўст ва хайрихоҳлари тобора ортиб бораётганининг асосий сабабларидан.

2009 йил 3 октябрда Озарбайжонда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлиги Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван битими имзоланган бўлиб, бу муҳим ҳужжат 2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қардош давлатлар ва қатор минтақавий ташкилотлар билан очик ва конструктив ҳамкорликни мустахкамлашга қаратилган бугунги кунда тобора долзарблик касб этиб бормоқда. Ушбу ташаббуслар ижроси доирасида ташкилотга аъзо мамлакатлар тиббиёт муассасалари вакилларидан иборат Мувофиқлаштирувчи қўмита ташкил этилди. Натижада эпидемиология вазиятини биргаликда кузатиш, таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг доимий тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон раҳбарияти Кенгаш ҳамкорлари ўртасида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу йўналишдаги ташаббуслар доирасида жорий йил июнь ойида Кўқон шаҳрида туризм вазирларининг 6-йиғилиши ўтказилган, унинг якунида Кўқон шаҳри 2022 йилда "Туркий дунёнинг туризм пойтахти" деб эълон қилинган ҳам аввалкор тақлиф қилинган ташаббусларнинг амалий натижаси бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Туркий кенгашига аъзо давлатларнинг муқаддас қадимликларини бўйлаб "Таборук зиёратгоҳ" лойиҳасини амалга оширишга киришди.

Ишончим комилки, жорий саммитда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан билдирилган муҳим ташаббуслар ҳам ҳаётда ўз амалий натижасини топади.

Билдирилган тақлиф ва тавсиялар — амалда

Саммитда Президентимиз ўзаро тақлифларни илгари сурди. Мамлакатлар раҳбарларининг эътиборини таҳлил қилишга қаратиб, учинчи давлатлардан қилар келаятган маҳсулотларни ташкилотга аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш мумкин бўлган товарлар ҳисобидан қоллаш энг долзарб вазифага айланиши лозимлигини таъкидлади. Янги 2020 йилда давлатларимизнинг умумий импорти 420 миллиард долларга тенг бўлган бўлса, аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро импорт ҳажми 21 миллиард долларга етган. Давлатимиз раҳбари савдо тўсиқларини бартараф этиш, электрон тиҷоратни кенг жорий қилиш, экспорт-импорт ҳажмини кўпайтиришга қаратилган аниқ тақлифлар ҳамда қўшма ҳаракатлар раҳисини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланувчи Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги бўйича тақлифлар марказини ташкил этиш тақлифини илгари сурди.

Президентимиз бугунги мавжуд вазият Хитойдан Европагача бўлган ва мамлакатларимиз худудидан ўтаётган янги трансконтинентал транспорт йўлининг янада ривожлантириши талаб этаётгани, бу борадаги ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш учун Туркий давлатлар ташкилотининг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастурини ишлаб чиқишни тақлиф қилди. Саноат кооперациясини кўпайтириш мақсадида эса давлатларимиздаги иқтисодиётларини ташкилотнинг негизда Инжиниринг ва технологиялар марказларини очиб, биргаликда рақобатдошлик тамойилларига асосланган қўшма лойиҳалар яратиш кераклигини маълум қилди.

Шунингдек, янги-янги имкониятлар очиб шу Ўзбекистонда "Туркий давлатлар саноат ҳафталиги"ни ўтказиш, аъзо мамлакатларда тўлган тажрибани инобатга олиб, "ақли шаҳар"ларни барпо этиш бўйича тақлифлар амалга ошириш ва инновацияларни трансфер қилиш мақ-

садида экспертлар ва IT мутахассислар учун доимий платформага асос солишдек эзгу ният билдирилди.

Бу борадаги илқ қадим сифатида давлатимиз раҳбари 2022 йилда экспертлар конференциясини ўтказишни тақлиф қилди. Глобал экологик фожиаларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, улар тарқалишининг олдини олиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда Туркий мамлакатларнинг атроф-муҳит муқофазаси бўйича тузилмасини тузиш ташаббусини ҳам илгари сурди.

Президентимиз "Туркий дунё туризми" ва "Таборук зиёрат" сайёҳлик лойиҳаларини амалга ошириш, хунарманчилик қўзғалмаслари ва этноспорт мусобақаларини ўтказиш, маданий мерос объектларини сақлаш ва реставрация қилиш ҳамда бошқа йўналишларни қамраб олган "Йўл харитаси"ни биргаликда ишлаб чиқиш мақсада мувофиқлигини таъкидлади.

Ўзбекистонда муштарак тарихимиз ва маданиятимизга оид 200 мингга яқин ноёб қўлёзмалар мавжудлиги, нодир асарларни биргаликда ўрганиш, уларни таржима қилиш, ягона электрон базасини яратиш, бу соҳага рақамли технологиялар жорий этиш мақсадида Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тақлиф марказини ташкил этишни тақлиф қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг 2022 йилни Туркий дунёда "Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилиш бўйича тақлифи ҳам эътиборга молиқдир.

Шавкат Мирзиёев Афғонистондаги ҳозирги мураккаб вазиятга ҳам эътибор қаратиб, ушбу мамлакат гуманитар инкирозга тушиб, халқаро майдонда яқинлашиб қолган қўшма лойиҳалар яратиш кераклигини маълум қилди.

Шунингдек, янги-янги имкониятлар очиб шу Ўзбекистонда "Туркий давлатлар саноат ҳафталиги"ни ўтказиш, аъзо мамлакатларда тўлган тажрибани инобатга олиб, "ақли шаҳар"ларни барпо этиш бўйича тақлифлар амалга ошириш ва инновацияларни трансфер қилиш мақ-

садида экспертлар ва IT мутахассислар учун доимий платформага асос солишдек эзгу ният билдирилди.

Бу борадаги илқ қадим сифатида давлатимиз раҳбари 2022 йилда экспертлар конференциясини ўтказишни тақлиф қилди. Глобал экологик фожиаларнинг салбий оқибатларини юмшатиш, улар тарқалишининг олдини олиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда Туркий мамлакатларнинг атроф-муҳит муқофазаси бўйича тузилмасини тузиш ташаббусини ҳам илгари сурди.

Президентимиз "Туркий дунё туризми" ва "Таборук зиёрат" сайёҳлик лойиҳаларини амалга ошириш, хунарманчилик қўзғалмаслари ва этноспорт мусобақаларини ўтказиш, маданий мерос объектларини сақлаш ва реставрация қилиш ҳамда бошқа йўналишларни қамраб олган "Йўл харитаси"ни биргаликда ишлаб чиқиш мақсада мувофиқлигини таъкидлади.

Ўзбекистонда муштарак тарихимиз ва маданиятимизга оид 200 мингга яқин ноёб қўлёзмалар мавжудлиги, нодир асарларни биргаликда ўрганиш, уларни таржима қилиш, ягона электрон базасини яратиш, бу соҳага рақамли технологиялар жорий этиш мақсадида Туркий тилли давлатларнинг тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тақлиф марказини ташкил этишни тақлиф қилди. Мамлакатимиз раҳбарининг 2022 йилни Туркий дунёда "Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилиш бўйича тақлифи ҳам эътиборга молиқдир.

Шавкат Мирзиёев Афғонистондаги ҳозирги мураккаб вазиятга ҳам эътибор қаратиб, ушбу мамлакат гуманитар инкирозга тушиб, халқаро майдонда яқинлашиб қолган қўшма лойиҳалар яратиш кераклигини маълум қилди.

Шунингдек, янги-янги имкониятлар очиб шу Ўзбекистонда "Туркий давлатлар саноат ҳафталиги"ни ўтказиш, аъзо мамлакатларда тўлган тажрибани инобатга олиб, "ақли шаҳар"ларни барпо этиш бўйича тақлифлар амалга ошириш ва инновацияларни трансфер қилиш мақ-



садида катта имкониятларимиз борлигини яққол кўрсатганлигини алоҳида эътиборга этиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бу урчуслар самараси ўлароқ, 2020 йилда Хива шаҳрига Туркий дунёнинг маданий пойтахти мақоми берилди. Жорий йил июнда эса Кўқон шаҳри Туркий дунёнинг илк туризм пойтахти, деб эълон қилинди. Мамлакатларимиздаги муқаддас қадимликлар бўйлаб "Таборук зиёрат" лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

Ушбу нуфузли анжуманда Кўқон университети Туркий олий ўқув юртини иттифоқига аъзо бўлди.

Шунингдек, "Урхун" ва "Мавлоно" алмасув дастурлари иштирокчисига айланди. Кўқон университети ва Аҳмад Ясавий номидаги халқаро Қозоқ-турк университети ўртасида меморандум имзоланиб, келгусида туркий дунё тарихи ва маданиятини ёйиш, илмий конференциялар ташкил этиш, профессор-ўқитувчилар, талабалар алмасишувини йўлга қўйиш ва туризм йўналишида алоқаларни кенгайтиришга қаратилган бўлди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг ташкилот доирасидаги саммитларда иқтисодий, сармоявий, савдо-сотик, транспорт-коммуникация ва логистика тизимларини ривожлантириш, инновациялар, ёшларни қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, саноат кооперациясини ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, зиёрат туризми бўйича қатор ташаббусларни фаоллик билан илгари суриб келаятгани бежиз эмас.

Айнан шу каби устувор йўналишларнинг жадвал тараққий этиши халқларимизнинг умумий фаровонлиги, аҳолининг турмуш даражаси юксалиши, илм-фан ва бошқа муҳим соҳалар риважига ҳизмат қилади. Минтақавий ўзаро ҳамкорлик ва кўп томонлама манфаатли шериклик муносабатлари барча учун катта самара ва наф келтириши, шубҳасиз.

Шерзод МУСТАФОҚУЛОВ, Кўқон университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Сенат ялпи мажлиси олдидан

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди. Унда қўмита ва Ёшлар парламенти аъзолари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ёшлар масалаларига масъул доимий комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

МАСЪУЛИЯТИ ЯНАДА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИАЛАР БЕРИЛДИ

Тадбирда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисига қиритилган бир қатор масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни, "Гидрометеорология фаолияти тўғрисида"ги, "Оғир ижтимоий ҳолатда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари қабуллари таъминлаш бўйича қўшилган чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги, "Транспорт ва молия соҳаларидаги айрим ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш киритиш тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа масалалар ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, мажлисда қўмита аъзолари фаолиятини янада ошириш, Сенат томонидан ўтказилаётган "Маҳалла — беш ташаббус" республика кўрик-танлови финал босқичини уюштириш, вилоят ҳокимликларидан

Бошқалари ҳимоя қилиш котибиятлари ҳамда туман-шаҳар ҳокимликларидан шу йўналишдаги шубҳаларнинг ташкил этилганлиги ҳақида, Мехрибонлик уйлари битирувчиларини уй-жой билан таъминлаш борасида олиб бориладиган ишлар атрофида муҳокама этилди.

Жумладан, халқ депутатлари Навоий, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари Кенгашлари котибиятлари мудириларининг шу йўналишда худудларда бажариладиган ишлари юзасида ахборотлари эшитилиш, сенаторлар томонидан назорат ва масъулиятни янада ошириш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисда Мехрибонлик уйлари битирувчиларига уй-жой ажратиш ва чин етим болаларнинг асраб олиш, оливайи болалар уйлари ташкил этиш бўйича Андижон, Навоий ва Фарғона вилоятларида олиб бориладиган ишлар намуна сифатида келтириб ўтилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институтининг Оилавий шифокорлик № 1, жисмоний тарбия, фуқаролар муқофазаси кафедраси мудири, профессор Эльмира Шомансуровага турмуш ўртоғи

Алишер ШОМАНСУРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзоҳ этилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машираббеков.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 463 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Гезетимиз хандаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташрифта келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетининг отқазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезета тақрирнинг компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Гезетининг подлиграфия ҳақидадан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

Гулруҳ АГЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.00 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6